

БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИГА КАМАРБАСТАМИЗ

Демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш юртимиз мустақил тараққиёт йўлининг бош мақсадидир. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқилган ва жаҳон ҳамжамияти томонидан “Ўзбек модели” деб эътироф этилган тараққиёт стратегияси замирида инсон ва унинг манфаатларини таъминлашдек эзгу мақсадлар мужассам экани бугун барча соҳалардаги ислохотларда ўз ифодасини топмоқда.

Бу жараёнда инсонларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялаш, меҳнатини муҳофаза қилиш, маънавиятини юксалтириш, саломатлигини мустаҳкамлашни мақсад қилган Ўзбекистон қасаба уюшмалари ҳам фаол иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА муҳбири Ватанимиз мустақиллигининг йигирма йиллик байрами арафасида Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Танзила НОРБОЕВА билан бу борада амалга оширилаётган ишлар хусусида суҳбатлашди.

— Мамлакатимиздаги энг йирик жамоат ташкилотларидан ҳисобланган қасаба уюшмалари меҳнат аҳли, айниқса, ёшлар ва аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, миллий ўзлиқни англаш, уларда юксак маънавиятни шакллантиришда фуқаролик жамиятининг муҳим кучларидан биридир. — дейди Т. Норбоева. — Юртимизда яшаёт-

ган ҳар бир инсон ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши учун кенг шароит яратиш, унинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат ҳуқуқини ҳимоялаш, ижтимоий ва ҳуқуқий маданиятини ошириш Ўзбекистон қасаба уюшмаларининг устувор вазифаларидандир.

Президентимиз

Ислом Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси қасаба уюшмалари фаолиятини ҳам янгича асосда ташкил этишда муҳим дастуриламал бўлаётир.

Концепцияда Юртбошимиз томонидан белгилаб берилган устувор

йўналишлар тизим фаолиятига босқичма-босқич татбиқ қилинмоқда. Хусусан, жамоа шартномалари орқали меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқлари ҳимоясини ку-



чайтириш, қулай ва етарли меҳнат шароитлари билан таъминлаш, соғломлаштириш ишлари сифатини ошириш борасида тизимли фаолият олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ўртасида 2011 — 2013 йиллар учун ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид Бош келишув имзоланди. Мазкур ҳужжат қасаба уюшмалари фаолиятини янги босқичга олиб чиқиш,

хусусан, иш берувчилар ва қасаба уюшмалари ўртасидаги жамоа шартномавий муносабатларни ижтимоий шериклик тамойиллари асосида мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Қасаба уюшмалари ҳамда ижро ҳокимияти, давлат ва жамоат ташкилотлари ўртасида ижтимоий шериклик алоқаларини йўлга қўйиш, меҳнаткашлар ва улар оила аъзоларининг ижтимоий ҳимояси, меҳнат муҳофазаси, соғломлаштириш ва маънавий юксалтириш ишларида муҳим ҳуқуқий асос бўлаётир. Бу жараёнда айрим қасаба уюшма ташкилотларини оптималлаштириш тизимни ҳар томонлама мустаҳкамлаш имконини бермоқда.

Бошланғич қасаба уюшма қўмиталари фаолиятини кучайтириш — меҳнаткашлар ҳуқуқларини ҳимоялашда муҳим ўрин тутади. Шу мақсадда ҳар бир ҳудуддаги вилоят, туман ҳамда қорхона, ташкилот ва муассасалар қасаба уюшма қўмиталарига доимий амалий ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилди. Федерация кенгаши томонидан ўттизга яқин меъёрий ҳужжат қабул қилиниб, барча

қасаба уюшма ташкилотларига етказилди.

Масалан, санаторийларга йўлланмалар беришнинг янги тартибига кўра, ходим қасаба уюшма қўмитаси орқали санаторийга йўлланма ни имтиёзли шартларда аввалгидек 5 йилда бир мартаба эмас, балки ҳар 3 йилда олиши мумкин. Бундан ташқари, бошланғич қасаба уюшмаларининг молиявий салоҳияти оширилиши натижасида ҳар йили қўшимча равишда ўн минг нафарга яқин қасаба уюшма аъзосини соғломлаштириш имконияти юзага келди.

— Қасаба уюшмалари фаолиятининг негизини ташкил этувчи меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимояси бугун қай даражада таъминланмоқда?

— Бугунги кунда мамлакатимиз миқёсида 81 тармоқ келишуви, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри даражасида 14 ҳудудий келишув, шунингдек, 509 ҳудудий-тармоқ келишуви амал қилмоқда. Бевосита қорхона ва ташкилотларда имзоланган юз мингга яқин жамоа шартномалари орқали 5 миллион нафарга яқин кишининг манфаатлари ҳимояга олинган.

(Давоми 2-бетда).

Хужжатларни экспертизадан ўтказиш, ҳар бир жамоа шартномаси ва келишувларнинг мазмун-моҳиятига янгича ёндашув асосида, уларда инсон омилини ифодаловчи бандлар акс этишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда юқориди таъкидлаганимиз — Бош келишувнинг ўрни ва аҳамияти катта.

Жорий йилнинг биринчи ярим йили давомида жамоа шартномалари ва келишувлари орқали 14 минг нафардан зиёд фуқаро ва 16 минг 600 га яқин оилага 7 миллиард 620 миллион сўмликдан зиёд ижтимоий ёрдам кўрсатилди. Жумладан, корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган 16 минг 200 нафардан зиёд кам таъминланган ёш оила вакилларига 1 миллиард 516 миллион сўмлик моддий ёрдам берилди. Янги оила қурган 307 нафар ёшга мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар хариди ва уй-жой қуриш учун фоизсиз ссудалар ажратилди. 2 минг 565 нафар кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар фарзандларига ўқув қуроллари, дарсликлар тақдим қилинди. Шунингдек, 2 ёшдан 3 ёшгача фарзандлари бўлган 3 минг 85 нафар ёш онага 709 миллион сўмликдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди, 497 нафар аёлнинг туғишгача ва туғишдан кейинги ҳақ тўланадиган таътиллари узайтирилиб, ўшбу мақсадларга 91 миллион 700 минг сўмлик маблағ сарфланди. Олий ўқув юртралида тахсил олаётган 1 минг 409 нафар талаба учун контракт пулларининг бир қисми қопланди. Бундан ташқари, ёлғиз ва кексаларга доридармонлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, хонадонларини таъмирлаш, коммунал хизматлар тўлови учун мунтазам ижтимоий ёрдам тадбирлари амалга оширилмоқда.

Нодавлат сектордаги барча корхона ва ташкилотларда жамоа шартномалари тузилиши ҳам Федерация кенгашининг доимий диққат марказида. Хусусан, жорий йилнинг олти ойи давомида нодавлат сектордаги 782 корхона ва ташкилотларда касаба уюшмаси тузилди ҳамда 18 минг 943 нафар ходим аъзоликка қабул қилинди. Натижада жамоа шартномалари ва келишувлари орқали қатор имтиёз ва қулайликлардан нодавлат сектор ходимлари ҳам фойдаланмоқда.

Касаба уюшмалари Конституция-мизга мувофиқ ходимларнинг ижти-

моий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ифода этиш ва ҳимоялаш билан бирга, уларнинг меҳнатини муносиб рағбатлантириш, бандлик, жамоа шартномалари тузилиши ҳамда бажарилишига кўмаклашиш, жамоа шартномалари лойиҳаларини экспертиза қилиш ва рўйхатдан ўтказиш бўйича ҳам фаол иш олиб бормоқда. Тизимдаги тақомиллашув ҳамда бошланғич касаба уюшма ташкилотлари фаолиятини кучайтиришга қаратилган эътибор, уларга кўрсатилаётган услубий-амалий ёрдам натижасида корхона, ташкилот ва муассасаларда жамоа шартномаларининг 90 фоизидан кўпроғига иш берувчи ташаббу-

шериклик тўғрисидаги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича эксперт гуруҳи тузилди.

Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Адлия вазирлиги масъул ходимлари, Тошкент давлат юридик институти олимлари, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши мутахассисларидан таркиб топган мазкур эксперт гуруҳи томонидан, аввало, мавжуд қонунчилик ўрганилиб, ижтимоий шериклик тамойилларини амалга оширишга тўсик бўлаётган ҳолатлар аниқланди. Ижтимоий шериклик соҳасидаги ҳуқуқий амалиёт тажрибаси таҳлил қилинди.

БУНЁДКОРЛИК КАМАРБАСТ

сига кўра, ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишдан аввал, албатта, касаба уюшма кўмитасининг розилигини олиш лозимлиги тўғрисидаги банд киритилишига эришилди. Бу меҳнаткашлар — касаба уюшма аъзоларини ноқонуний ишдан бўшатилишидан ҳимоя қилади.

Буларнинг барчаси касаба уюшмалари ва иш берувчилар ўртасида ўрнатилган ижтимоий шерикликнинг амалий натижасидир.

— **Давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган Концепцияда “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш ташаббуси илгари сурилди. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши касаба уюшмалари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.**

— Мазкур қонуннинг қабул қилиниши фуқаролик жамияти институтлари имкониятларини кенгайтириш орқали ўтказилаётган ислохотларнинг очик-ошкоралиги ҳамда самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбарининг “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш соҳасида амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармойишига мувофиқ, “Ижтимоий

Ҳозирга қадар мазкур қонун лойиҳасининг концепцияси ишлаб чиқилди ҳамда қонун лойиҳасининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунчилигига, шунингдек, қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлиги ўрганилиб, ҳуқуқий экспертиза ўтказилди. Муҳокамалар жараёнида қонун лойиҳасини тақомиллаштириш бўйича икки юздан зиёд таклифлар олинди.

Маълумки, касаба уюшмалари фаолиятининг асосини ижтимоий шериклик тамойиллари ташкил этади. Чунки ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоялаш, меҳнат муҳофазаси, соғломлаштириш ишларининг самарадорлиги, кўп жиҳатдан, айнан ижтимоий шерикликнинг амалда қай даражада ўз ифодасини топаётганига боғлиқдир.

Ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда йиллик чора-тадбирлар дастурлари ишлаб чиқиш амалиёти жорий этилди.

Шу боис мазкур қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда тобора ривожланиб бораётган фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, касаба уюшмалари фаолиятини ҳам

кучайтириш учун кенг имкониятлар яратади.

— **Меҳнаткашлар ҳуқуқларини ҳимоялаш, меҳнат муносабатларидаги низоларнинг олдини олиш, иш берувчи ва ходимларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш борасидаги ишлар ҳақда ҳам тўхталиб ўтсангиз.**

— Албатта, юксак ҳуқуқий маданият ҳар қандай қонунбузилишининг олдини олишда энг муҳим омиллардан биридир. Касаба уюшмалари томонидан меҳнаткашларнинг ҳам, иш берувчиларнинг ҳам ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, касаба уюшмаларининг юридик хизматлари фаолияти кучайтирилди. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашида, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаларида “Ишонч телефони” ҳамда ҳуқуқий ёрдам маслаҳат хизмати жорий этилди.

Бунда, айниқса, “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастурининг бажарилиши, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг қонуний ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда мазкур маслаҳат хизматлари орқали ёш тадбиркорларга ўз фаолиятини йўлга қўйиши ва ривожлантириши борасида ҳуқуқий ёрдам кўрсатилмоқда.

Ходимларнинг меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоялаш борасида жойларда иш берувчилар томонидан йўл қўйилаётган қонун бузилишлари ҳолларини бартараф этиш йўналишида ҳам муайян натижаларга эришилаётир. Масалан, иш берувчиларга қонун бузилишларини бартараф этиш юзасидан 591 ҳолат бўйича киритилган тақдимноманинг 484 таси ижобий ечим топди. Ишдан ноқонуний равишда бўшатишдан 72 нафар ходимнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш мақсадида

судларга киритилган даъво аризалари натижасида 42 ҳолат бўйича ходим ўз ишига тикланди. Мисол учун, Бухоро вилоятида касаба уюшмалари ёрдами билан 13 нафар ходим ишга тикланди. Чуст туманлараро фуқаролик судида Поп туманидаги 10, 32-умумтаълим мактаблари ўқитувчилари Т. Маҳмудов, Х. Худойбергенов, С. Шовкиновнинг меҳнат ҳуқуқлари ҳимоя қилиниб, адолат қарор топишига эришилди.

Бу йўналишдаги ишлар самарасини фуқаролар мувожаатларининг ижобий ҳал этилиб, ходимлар қонуний манфаатлари ҳимояланаётганида ҳам кўриш мумкин.

тармоғида бошланғич касаба уюшма ташкилотлари томонидан ёшларга амалиёт ўташлари учун хавфсиз меҳнат шароитлари яратиш, уларга амалий-услубий ёрдам кўрсатиш ишлари бажарилди. "Ўзкимёсанот" компанияси билан ҳамкорликда соҳа учун кадрлар тайёрлашга ихтисослаштирилган 26 касб-ҳунар коллежи битирувчилари "Кўнгирот сода заводи" унитар корхонаси, "Навойазот", "Амофос-Максам", "Фарғонаазот" очик акциядорлик жамиятлари каби 11 йирик корхонага бириктирилди.

Аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида жойларда касаба уюшмалари маблағларини йўналтирган ҳолда янги

Истиқлол тантаналари арафасида касаба уюшмалари томонидан Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида "Қуёшли" болалар соғломлаштириш оромгоҳи барпо этилди. Барча шарт-шароитга эга мазкур оромгоҳда бугун мамлакатимизнинг энг иқтидорли ўғил-қизлари касаба уюшмалари томонидан бепул соғломлаштирилмоқда.

Пойтахтимиздаги "Яккасарой" спорт мажмуасида, Андижон вилоятидаги "Боғишамол" болалар соғломлаштириш оромгоҳида катта ҳажмдаги қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Бугун ушбу масканлар меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари манфаатларига хизмат қилмоқда.

Меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари саломатлигини мустаҳкамлаш, уларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш орқали соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш мақсадида қатор санаторийларда реконструкция ва қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Аҳолини дам олдириш ва саломатлигини мустаҳкамлаш сифати ҳамда самарадорлиги янада оширилиб, меҳнаткашлар фарзандларини ҳар томонлама соғломлаштириш ишлари такомиллаштирилмоқда. Тизимдаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланаётир.

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз олдидан Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ҳамда Ўзбекистон Бадий академияси билан ҳамкорликда "Биз — бунёдкор халқимиз" мавзуида энг яхши фотоасарлар Республика кўрик-танлови ўтказилмоқда. Шунингдек, касаба уюшмалари тизимидаги маданият муассасалари болалар бадий ҳаваскорлик жамоалари иштирокида "Истиқлол ғунчалари", бошланғич касаба уюшма ташкилотлари ўртасида "Энг намунали бошланғич ташкилот" кўрик-танловлари ҳам давом этмоқда.

Халқимиз истиқлол айёмини улкан ютуқлар билан қарши олмақда. Юртимизда амалга оширилаётган ислоҳот ва янгиланишлар ҳар биримизни Ватан равнақи ва эл-юрт манфаати йўлидаги ишларга муносиб ҳисса қўшиш, янада жипслашган ҳолда меҳнат қилишга ундайди.

Хусниддин БЕРДИЕВ

ИШЛАРИГА АМИЗ

— Аҳоли бандлигини таъминлаш бугун долзарб масалалардан бири...

— Аҳоли бандлигини ошириш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашга ҳисса қўшиш доимий вазифаларимиздандир. Шу мақсадда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг Раёсат қарори асосида жойларда қабул қилинаётган жамоа келишувлари ва шартномаларига "устоз — шогирд" тизимининг самарали ишлашини таъминловчи қатор янги тадбирларни киритиш ва амалиётга жорий этиш ишлари олиб борилмоқда. Амалиёт ўтаётган коллежлар ўқувчиларига меҳнатни муҳофаза қилиш, иш вақти, таътиллар ва бошқа меҳнат шартлари соҳасида қўшимча имтиёзлар бериш, корхонада биринчи йил меҳнат қилаётган битирувчилар — ёш ютаҳассисларга бир марталик тўлов бериш ва қўшимча иш ҳақи ўрнатиш, ёш ходимлар, мутахассислар ва бошқа ишчи-хизматчилар ўртасида касб лаҳорати бўйича танловлар ўтказиш ишлари жумласидандир. Шунингдек, орхона ва ташкилотларда устозликка бириктирилган ходимларни рағбатлантириш тизимини жорий этиш, шбу тадбирларнинг жамоа шартномаларига киритилишига ҳам алоҳида ётибор қаратилмоқда.

Ёқилғи-энергетика комплекси, имё саноти ва геология ходимлари

иш ўринлари яратилмоқда. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикасининг энг чекка ҳудудларида аёллар бандлигини таъминлаш мақсадида тикувчилик ва қандалаччилик цехлари ташкил этилиб 30 нафар хотин-қиз иш жойига эга бўлди. Андижон шаҳрининг Ўзбекистон кўчасидаги қандалаччилик цехида 20 нафар аҳоли иш билан таъминланди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

— Касаба уюшмалари тизимида Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллигини муносиб кутиб олиш учун қандай ҳозирлик кўрилмоқда?

— Тизимда истиқлолнинг йигирма йиллигига бағишлаб ишлаб чиқилган, "Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!" ғоясини ўзида мужассам этган кенг кўламли тадбирлар дастури амалга оширилмоқда. Истиқлол йилларида эришилган мислсиз ютуқлар, кенг кўламли ислохотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини халқимизга, меҳнат ахлига атрофлича етказиш айна пайтдаги ишларимизнинг бош йўналишидир.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан Самарқанд шаҳрида барпо этилаётган "Ёш туристлар" меҳмонхонаси мустақиллик байрамига ўзига хос тўхфа бўлади. Чунки ушбу маскан диёримизда туризмни ривожлантиришга хизмат қилмоқда.